

**ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ТИББИЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШГА  
ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН  
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Тошматов Отабек Мадаминович*

*Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари*

**Аннотация.** Уибӯ мақолада оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишига қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий - ҳуқуқий асослари баён этилган. Ҳусусан, соҳада қонунийликни таъминлашида назорат тадбирларини ташкил қилиши йўналишилари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан ушбу йўналишида прокурор назоратини ташкил қилиши тартиби ва йўналишилари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиши, прокурор назорати, соғлиқни сақлаш, сифатли тиббий хизмат

Сўнгги йилларда оналик ва болалик муҳофазаси, репродуктив хизматларни ташкил қилиш ва такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Зеро, қадимдан барча жамият ва давлатларда бўлажак оналар ва туғилажак фарзандлар саломатлигига катта эътибор қаратиб келинган. Шу боис, бўлажак насл учун қайфуриш аждодларимиздан қолган эзгу амал ҳисобланиб, бўлғуси ота-она соғлом бўлсагина улардан жисмонан ва руҳан баркамол фарзандлар дунёга келади.

Конституциямизнинг 48-моддасига кўра, ҳар ким соғлигини сақлаш ва малақали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакларини, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш-тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва еркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф етилган тамоиллари ва нормаларига мувофиқ тан олинади ва кафолатланади.

Ҳусусан, соғлиқни сақлашни тартибга солиши “Инсон ҳуқуқларининг Умумжахон Декларацияси”нинг 25-модда қоидалари асосида амалга оширилади<sup>2</sup>.

Унда ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда касаллик, ногиронлик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларда давлат томонидан таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

1995 йил 28 декабрда ратификация қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуклар тўғрисида”ти халқаро Пакт соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам ҳуқуқини таъминлаш бўйича Давлат фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилайди<sup>3</sup>.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини самарали ташкил қилишда мазкур соҳада прокурор назорати муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Асосий Қонунимизнинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Lex.uz

<sup>2</sup> <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/2686000>

прокурорлар амалга оширишлари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>4</sup>.

“Прокурор” сўзи асли лотинча “Про-суро” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “ғамхўрлик қилмоқ”, “асраб-авайламоқ, таъминламоқ, бошқармоқ, бошлаб бормоқ” деган маъноларни билдиради<sup>5</sup>.

Ю.П.Якубинанинг фикрича, прокурор назорати – бу давлат фаолиятининг марказлашган ягона тизимга бирлаштирилган прокуратура томонидан амалга ошириладиган, мамлакат ҳудудида қонунийликни таъминлашга хизмат қиласдиган фаолият<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро-ларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг муддатида, аниқ ва

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2023 йил

<sup>5</sup> Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь. - М. ; 1998, 621 – 6.

<sup>6</sup> Якубина П.Ю. Прокурорский надзор как вид государственной деятельности // Проблемы правоохранительной деятельности". 2012, №2. – Ст. 55.

бир хилда бажарилиши устидан сифатли ва таъсирчан прокурор назорати ўрнатишни талаб этади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш фуқароларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқларидан бири бўлиб, прокуратура органлари томонижан ушбу соҳадаги қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва унинг вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги таркибий тармоқлари ва жойлардаги прокурорлар томонидан амалга оширилади. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг ҳайъат қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширади.

Бош прокурорнинг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаш-тириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғида соҳада прокурор назоратини таъминлашда қуидагиларга эътибор қаратиш белгиланган:

- малакали тиббий ёрдам кўрсатишга, аҳолига арzon дори воситалари ва тиббий буюмлар етказишга қаратилган қонун хужжатлари ижросини сифатли таъминлаш;

- тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, арzon дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда шошилинч тиббий ёрдам тизими фаолиятига доир қонун хужжатлари ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатилиши;

- касалликлар динамикаси ҳақидаги статистик маълумотлар ҳар ярим йилда таҳлил қилиниб, қонун бузилишларни бартараф этиш чоралари кўриб борилиши.

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган прокурор назорати тадбирлари давомида биргина 2024 йилда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жойларга 56 та тақдимнома киритилиб, прокурорларнинг қарори ва тақдимномасига асосан 245 нафар шахслар интизомий, 27 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иши қўзғатилган, 39853 нафар шахсларга амалий ёрдам кўрсатилган, 5746 нафарининг эса бузилган хуқуқлари тикланган.

Бирок, ушбу прокурор назорати тадбирлари барча худуд прокуратуралари масъул ходимлари томонидан сифатли ташкил қилинмаганлиги оқибатида назорат тадбирлари самарали ташкил қилинмаган.

Таҳлилларга кўра, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, бу борада қатъий назорат ўрнатишга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда:

- аҳоли орасида тиббий маданиятнинг юқори даражада эмаслиги;
- тиббиёт ходимлари, айниқса патронаж хизматига масъул бўлган ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини тўлиқ билмасликлари ёки ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан қарашлари;
- прокурор назорати тадбирларига жалб қилинган мутахассис-ларда етарли даражада назарий ҳамда амалий кўникманинг мавжуд эмаслиги;
- юқоридаги ҳолатлар ўз навбатида прокурор-тергов ходимлари томонидан ушбу масалалар чуқур ўрганилмаслигига, қонун бузилиши ҳолатларининг туб сабаблари ва унга имкон берадиган шарт-шароитлар ҳар томонлама ва тўлиқ таҳлил қилинмаслигига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижро қилиниши устидан назоратни самарали амалга ошириш учун прокурорлар ушбу соҳадаги қонунийлик ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак. Ўз мақсадига кўра, ахборот-таҳлилий ишлар прокуратура тизимининг ташкилий бирлигини ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқасини таъминловчи омиллардан биридир.

Бу иш бутун тизимни қамраб олиши, бир хил қоидаларга бўйсуниши, бир хил талабларга жавоб бериши керак<sup>7</sup>.

Прокурор назорати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиб турганидек, айнан ахборот таъминотининг етарли бўлмаслиги ва сифатсиз таҳлилий фаолият кўпгина прокурорларнинг назорат фаолиятининг самарадорлиги кам бўлишининг асосий сабаби бўлмоқда<sup>8</sup>.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, назорат тадбирларининг қанчалик самарали бўлиши прокурорлар томонидан уларга қонун билан берилган ваколатлардан қанчалик асосли, тезкор ва тўлиқ фойдалана олишларига боғлик<sup>9</sup>.

Шу боис, назорат тадбирларининг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилиши ҳамда самарадорлигини таъминлаш мақсадида текширишга тайёргарлик кўриш босқичида қонунийлик аҳволига баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида давлат органлари ва муассасаларидан қонунийлик аҳволи ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишда сифатли ва таъсирчан прокурор назоратини ўрнатиш, нафакат соҳада қонунийликни таъминлаш, балки аҳолининг соғлиғини сақлаш, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда оиласда тиббий маданиятни оширишга хизмат қиласди.

---

<sup>7</sup> Организация работы городской (районной) прокуратуры. Методическое пособие, под общ. ред. С.И. Герасимова. М.: 2001. – С. 131.

<sup>8</sup> Викторов И.С. Организация работы по надзору за исполнением законов и законностью правовых актов, соблюдения прав и свобод человека и гражданина. В кн. «Организация работы городской и районной прокуратуры». М.: 2001. – С. 131.

<sup>9</sup> Основные критерии содержания, применения полномочий прокурора рассмотрены в следующих трудах: Викторов И.С. Полномочия прокурора по выявлению нарушений закона и применению правовых средств реагирования на выявленные правонарушения. Метод. Рекомендации. М.: 2004; Прокурорский надзор, под ред. Ю.Е. Винокурова. М.: 2007, –С.120-124; Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. – С. 194-199;

<https://journal-web.uz/>

16-to'plam 1-sin fevral 2025